

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2018 йил 4-чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2018 йилнинг 4-чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2018 йилда келиб тушган 12 637 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 11 401 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, шундан 3 635 таси бўйича раис ўринбосари томонидан рад жавоби берилган. 1 236 нафар шахс бўйича назорат тартибидаги шикоятлар ва протестлар судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

2018 йилда судлов ҳайъати томонидан кўрилган ишларнинг 827 нафар шахс бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, 477 нафар шахс бўйича жиноят ишлари янгитдан апелляция тартибида, 284 таси кассация тартибида кўриш учун юборилган, 522 нафар шахс бўйича чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган, 81 та иш бўйича эса суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Ушбу йилда судлов ҳайъати томонидан 3 та Пленум қарори лойиҳалари тайёрланиб, улар муҳокама қилиниб, “Олий суд Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги ҳамда “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I БЎЛИМ. ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР ОБЗОРИ

1-боб. Ҳаётга қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар обзори

1.1. Ожиз аҳвол деганда жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши керак.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2015 йил 11 августдаги ҳукмига кўра М.Т. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (кейинчалик матнда – ЖК деб юритилади) 97-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 248-моддасининг 1-қисми, 276-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59-моддаси тартибида 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 8 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра М.Т. таниши Б.З. билан жанжаллашиб, Б.З. уни уятли сўзлар билан ҳақоратлаганлигидан жаҳли чиқиб, уни қасддан ўлдириш мақсадида “ТОЗ-8м” русумли қирқма милтиғини олиб чиқиб, кекса ёшли ожиз аҳволдаги Б.З.нинг чап кўкрак қисмига милтиқ билан бир марта отиб қасддан ўлдирган ҳамда Б.З.нинг мурдасини Сирдарё дарёсига ташлаб юборган.

Суд М.Т. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 8-бандида айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди билан квалификация қилишда, ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши кераклиги, бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатига кўра жабрланувчи марҳум Б.З. 64 ёшда бўлиб, унинг жисмоний ёки бошқа нуқсонлари бўлмаган, жамиятда фуқаролар билан фаол муносабатларга киришиб келган, физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ўзини ҳимоя қилишга, судланувчи Б.Т.га фаол қаршилик кўрсатишга қодир

эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатлари аниқланмаган.

Бундан ташқари, судланувчи М.Т. жабрланувчи Б.З.ни “ТОЗ-8м” русумли қирқма милтиғи билан бир маротаба отиб, уни қасддан ўлдирган бўлиб, бундай ҳолатда Б.З.нинг ожиз аҳволда бўлганлиги аҳамиятга эга эмас.

Яъни суд жабрланувчи Б.З.нинг фақатгина 64 ёшга тўлганлигини жуда кекса ёшда, яъни судланувчи М.Т.га нисбатан ожиз аҳволда бўлган деб топиб, барвақт хулосага келган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг (кейинчалик матнда – Судлов ҳайъати деб юритилади) 2017 йил 4 сентябрдаги ажрими билан М.Т.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “в” бандидан шу Кодекс 97-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилинган.

1.2. Судланувчининг қасддан одам ўлдиришдан иборат жиноий ҳаракатлари ўта шафқатсизлик белгиси билан нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2017 йил 10 мартдаги ҳукмига асосан А. ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Шу суд апелляция инстанциясининг 2017 йил 11 апрелдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А. 2016 йил 21 октябрь куни соат 20:58 да қасддан М.га қаттиқ азоб-уқубат етказиш мақсадида танасининг турли жойларига қўллари ва оёқлари билан уриб, М. ерга ётиб қолиб, қаттиқ оғриқ таъсирида бир неча бор ундан урмасликни илтимос қилиб сўраган бўлса-да, унинг ёлворишларига қарамасдан аёвсиз равишда унинг бош қисмига тепиб, кўкрак қисмига уришни давом эттириб, уни ўта шафқатсизлик билан ўлдирганликда айбли деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасига мувофиқ, иш бўйича барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарори 12-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “ж” банди билан квалификация қилишда айбдорнинг қасди ўта шафқатсизлик билан одам ўлдиришга қаратилган бўлганлигини аниқлаш шартлиги, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усуллари, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ (кучли оғриқ берувчи захардан фойдаланиш, тириклайин ёқиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларни ҳам

киритиш мумкинлиги, баданга кўплаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб-уқубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши деб баҳоланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Иш бўйича қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Ишдаги ҳолатларга кўра, А. М.ни ўта шафқатсизлик билан ўлдирганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас, аниқланган ҳолатларга кўра у М.ни фақат уриб, тепган, бу ҳаракатлар эса М.ни қасддан ўлдириш мақсадида содир этилган ҳаракатлар бўлиб, ўта шафқатсизликни намоён этмайди.

Бироқ, суд томонидан А.нинг М.ни уриб, тепиб, уни қасддан ўлдирганлик ҳаракати ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан нотўғри квалификация қилинганидан ташқари, ишда бундай ҳолатлар аниқланмаган ва ҳеч қайси гувоҳ бу ҳақида кўрсатув бермаган бўлсалар-да ҳукмнинг тавсиф қисмида асоссиз равишда “А. М. ерга ётиб қолиб, қаттиқ оғриқ таъсирида бир неча бор ундан урмасликни илтимос қилиб сўраган бўлса-да, унинг ёлворишларига қарамасдан аёвсиз равишда унинг бош қисмига тепиб, кўкрак қисмига уришни давом эттириб, шафқатсизлик қилганини” кўрсатган.

Шу сабабли Судлов ҳайъатининг 2019 йил 15 январдаги ажрими билан А.га оид суд қарорларини ўзгартирилиб, ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” бандидан ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, жазо муддати камайтирилди.

1.3. Қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркор.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 2014 йил 22 августдаги ҳукмига асосан С. ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “б” банди билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Шу суд кассация инстанциясининг 2016 йил 28 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С. 2014 йил 22 май кунига ўтар кечаси соат 2:00 ларда маст ҳолда турмуш ўртоғи М. билан ўзлари яшайдиган уйда ўзаро жанжаллашиб, уни ҳомиладорлигини била туриб бош ва юз соҳаларига бир неча марта уриб, бўйнидан бўғиб ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказгани натижасида М.Тешаева шу кун соат 15:00 ларда касалхонада вафот этиб, уни қасддан ўлдирганликда айбли деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарори 4-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркорлиги, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилиши, баданга оғир шикаст етказиш шахсининг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши, айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиноий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Иш бўйича қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Суд С. турмуш ўртоғи М. га жароҳат етказишда бунга имконияти бўлгани ҳолда уни ўлдириши мумкин бўлган ҳеч қандай қурол, буюмлардан фойдаланмагани, жароҳат туфайли хушини йўқотганини билгач эса опасини ёрдамга чақириб, М.ни ўзи шифохонага олиб борганлиги унинг қасди М. ўлдиришга қаратилмаганини тасдиқловчи далиллар эканини эътибордан четда қолдирган.

Шу сабабли Судлов ҳайъатининг 2018 йил 30 августдаги ажрими билан С.га оид суд қарорларини ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “б” бандидан ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “д” бандига қайта квалификация қилиниб, жазо муддати камайтирилди.

2-боб. Соғлиққа қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар обзори

2.1. Шахсининг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлмаганда иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши реабилитация асосларига кўра тугатилади.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2017 йил 10 мартдаги ажримига кўра суд мажлиси баённомаси тасдиқланиб, ЖК 111-моддасининг 1-қисми билан С.Х.га нисбатан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 3 майдаги ажрими билан ажрим ўзгарисиз қолдирилган.

Суднинг ажримига кўра С.Х. Тошкент Марказий темир йўл вокзалининг фуқароларни кутиб олиш учун мўлжалланган 7-сонли постда хизмат олиб бораётган вақтида Тошкент Марказий темир йўл вокзалига “Термиз-Тошкент” йўналиши бўйлаб қатновчи поездда келаётган ота-онасини кутиб олиш учун келган фуқаро Ф.Н.нинг ҳақорат қилганлигини важ қилиб, уни қўлидан ушлаб, ичкари томонга олиб кирмоқчи бўлган вақтида Ф.Н. С.Х.нинг қўлидан чиқиб кетиб, ерга йиқилиши оқибатида суд-тиббиёт экспертизасининг 2016 йил 8 ноябрдаги хулосасига кўра “ўртача оғир шикаст” тан жароҳати олган.

ЖПКнинг 22-моддасида терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 7-бандида қонунда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари ва прокурор иштирок этиши назарда тутилганлиги, бироқ, бу суднинг иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиши учун зарур бўлган ҳолларда юқорида кўрсатилганлардан ташқари ўзга шахсларни ҳам ишга жалб этиш ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ваколатлардан фойдаланиш ҳуқуқини чекламаслиги, суд ажрим чиқаришда ЖПКнинг 586-моддасида назарда тутилган талабларга қатъий риоя этиши шартлиги тўғрисида;

Олий суд Пленумининг 1997 йил 22 августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 4-бандида судларнинг эътибори ҳар бир ишни кўришда далилларни бевосита суд мажлисида текширишга, яъни судланувчиларни, жабрланувчиларни, гувоҳларни сўроқ қилиш, эксперт хулосасини тинглаш, ашёвий далилларни кўздан кечириш, баённомаларни ва бошқа ҳужжатларни эълон қилишга, 6-бандида ашёвий далилларни, ҳужжатларни текшириш, жойни ва бинони кўздан кечириш иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли эканлигига қаратилиши, ашёвий далиллар ва ҳужжатлар суд мажлисида иш бўйича бошқа далиллар қаторида чуқур текширилиши (шунингдек, кўздан кечирилиши, эълон қилиниши) лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш бўйича қайд этилган Қонун талаблари ҳамда Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Биринчи инстанция суди жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган С.Х.га оид жиноят ишини кўриб чиқишда жиноят юз берганлиги ва у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш чораларини кўрмаган, шунингдек гумон қилинувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳолат юзасидан тергов даврида берган кўрсатувларига тегишли баҳо бермаган ва ЖПКнинг 585-586-моддаларига тўла риоя қилмасдан жиноят ишини дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги масалани муҳокама қилмасдан ишни ярашилганлиги муносабати билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди ишни С.Х.нинг шикояти асосида кўриб чиқиб, тергов органи ҳамда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган ва ажримни бекор қилиш учун асослар мавжуд эканлигини инобатга олмасдан уни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

ЖПКнинг 2-моддасига кўра айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари ҳисобланади.

Шу Кодекснинг 3-моддасига мувофиқ жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

ЖПК 586-моддаси тўртинчи қисмининг 1-бандига кўра суд ажримининг қарор қисмида жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ёки ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида белгиланган бошқа асослар бўйича тугатиш ёхуд уни умумий қоидалар бўйича дастлабки терговни амалга ошириш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

ЖКнинг 14-моддасига мувофиқ ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу Кодекс билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

ЖК 111-моддасининг 1-қисмида эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонун мазмунига кўра эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар етказилган оқибатга қараб, айрим ҳолларда эса, бу оқибатларни вужудга келтирган усул ва воситасига қараб тавсифланади. Бундай турдаги жиноятлар учун жавобгарлик масаласи ижтимоий хавфли оқибат етказилиши

билан юзага келади. Қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг мавжуд бўлмаслиги, ўз навбатида, жавобгарликни юзага келтирмайди.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 2-бандида баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши лозимлигига судларнинг эътибори қаратилиши, 22-бандида, агар айбдор қўллаган зўрлик жабрланувчини дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлса, жабрланувчи баданига оғир шикаст (ёки жабрланувчининг ўлими) айбдорнинг айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар бўйича (масалан, зарбадан сўнг йиқилиш натижасида) келиб чиққан бўлса, айбдор оқибатига кўзи етмаган, бироқ кўзи етиши шарт ва мумкин бўлган ёхуд кўзи етса-да, етарли асосларсиз унинг олдини олишни мўлжаллаб қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан оқибатлар ЖКнинг 111 ёки 102-моддалари билан квалификация қилиниши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Кассация инстанцияси суди ҳам жинойт ва жинойт-процессуал қонуни нормаларига ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига амал қилмасдан, биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қанчалик тўғри аниқланганлигини, моддий ва процессуал қонун нормалари қанчалик тўғри қўлланилганлигини текширмаган.

Чунки С.Х. ўз кўрсатувларида 2016 йил 2 ноябрь куни соат 06:00 ларда Тошкент марказий вокзалининг 3-сонли дарвозасида хизмат вазифасини ўтаб турганида, кимдир дарвозани ташқаридан тепа бошлагани, дарвоза эшигини очиб қараганида кейинчалик таниган Ф.Н. ота-онасини кутиб олиш учун вокзал ҳудудига кирмоқчи бўлгани, шунда унга бу дарвозадан кириш мумкин эмаслигини айтиб, ичкарига қўймаганида Ф.Н. уни ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлагани, сўнгра Ф.Н.нинг отаси вокзалнинг ички ҳудудидан бошқа йўловчилар билан бирга чиқиб келгани, Ф.Н. яна ичкарига кирмоқчи бўлганида, ичкарига кириш мумкин эмаслигини айтиб киритмагани, бироздан сўнг Ф.Н. яна қайтиб келиб, дарвозани тепиб, уни яна ҳақоратлаб, онаси ичкарида экани, юklarини олиб чиқишга ёрдамлашиш кераклиги учун ичкарига кирмоқчи бўлгани, шу вақти Ф.Н.нинг онаси келиб қолгани, шу вақтда бу ерга раҳбари У.Э. ҳам келгани, уни ҳақоратлаганлиги учун Ф.Н.ни ичкарига олиб кирмоқчи бўлганида, унга бўйсунмасдан қаршилиқ кўрсатиб, орқага ҳаракатлангани учун қўлидан чиқиб кетиб, онаси билан бирга ерга йиқилиб тушганлигини баён қилган.

Жинойт иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини юритган Тошкент транспорт прокуратураси томонидан мазкур ҳолат бўйича Ф.Н.га нисбатан 2017 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилган ва иш судда кўриб чиқилиб, МЖТКнинг

21-моддасига асосан тугатилиб, Ф.Н. маъмурий жавобгарликдан озод этилган.

Шунингдек, жиноят ишига қўшилган Тошкент Марказий темир йўл вокзалининг 3-дарвозаси олдида ўрнатилган кузатув камерасига тасвирга олинган DVD дискда 2016 йил 2 ноябрь куни бўлиб ўтган воқеа тафсилотлари тасвирланган бўлиб, унда қайд этилган ҳолатлар воқеа шохидларининг юқорида баён этган кўрсатувларига тўла мос келади.

1990 йил 31 октябрдаги “Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига кўра милиция ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили эканлиги, давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилган. Милиция ходимининг қонуний талабларини барча фуқаролар ва мансабдор шахслар бажаришга мажбурдирлар. Милиция ходими қонуний талабини бажармаслик, шунингдек, уни ҳақоратлаш, унга қаршилик кўрсатиш, дўқ-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва унинг ҳаётига тажовуз қилиш, шунингдек, милиция ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига тўсқинлик қилувчи бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликка олиб келади. Ушбу Қонуннинг 2-моддасида милиция ходимининг кўрсатмалари фуқароларнинг, у ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлишидан қатъи назар, кўрсатмалари билан тенг равишда далилий аҳамиятга эгаллиги, зарур мудофаа, ўта зарурат бўлган ҳолатда ёки касбига кўра ўринли таваккалчилик қилиш ҳолатда милиция ходими томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар гарчанд ЖКда кўзда тутилган жиноий ҳаракатлар кўринишида бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмаслиги кўрсатилган.

Тергов органи эса, қайд этилган қонун талабларига амал қилмасдан ва иш бўйича тўпланган объектив далиллар йиғиндисига ҳуқуқий баҳо бермасдан, С.Х.ни ЖК 111-моддасининг 1-қисми билан ишда гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиб, ишни ярашилганлиги муносабати билан судга юбориш тўғрисида қарор чиқарган.

Жиноят иши материалларига кўра С.Х. Тошкент тармоқ ИИБ ППХ милиционери вазифасида ишлаб келиб, 2016 йил 2 ноябрь куни Тошкент Марказий темир йўл вокзалида хизмат олиб бориб, фуқаро Ф.Н. уни уятли сўзлар билан ҳақоратлаб, қонуний талабларини бажармаган. Шунда С.Х. ҳуқуқбузарлик содир этгани учун Ф.Н.га нисбатан тегишли тартибда чора кўриш учун навбатчилик қисмига олиб бормоқчи бўлганида, Ф.Н. милиция ходимларига нисбатан қаршилик кўрсатиб, уларга бўйсунмасдан С.Х.нинг қўлидан чиқиб кетишга ҳаракат қилган вақтида онаси билан бирга ерга йиқилиб тушиши оқибатида “ўртача оғир шикаст” тан жароҳати олган.

С.Х. ўзига берилган ваколатлар доирасида хизмат вазифаларини бажарган бўлиб, у томонидан жабрланувчи Ф.Н.га нисбатан уриш, туртиш ёки итариб юбориш каби ҳаракатлар содир этилмаган, аксинча Ф.Н. ИИБ ходимларига қаршилик кўрсатиб, фаол ҳаракат билан орқага тисарилган

вақтида С.Х.нинг қўлидан чиқиб кетиб, ерга йиқилиши оқибатида тан жароҳати олган.

ЖПК 83-моддасининг 2-бандида қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, гумон қилинувчи айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги кўрсатилган.

ЖПКнинг 401-моддасига мувофиқ ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади. Шу кодекснинг 493-моддасида жиноят ишини назорат тартибида кўриб, суд ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбли деб топиш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаган бўлса, жиноят ишини тугатиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 28-бандида берилган тушунтиришларга кўра назорат инстанцияси суди ҳукми, ажримни, қарорни бекор қилганда, ЖПК 83, 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ишни тўлиқ ҳажмда ёки мустақил квалификация қилинган айблов қисми бўйича тугатади.

Шу сабабли Судлов ҳайъатининг 2018 йил 13 мартдаги ажрими билан С.Х.нинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилган.

2.2. Бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари ЖК тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш ЖКнинг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши керак.

Жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 2017 йил 22 июндаги ҳукмига кўра Р.А. ЖК 219-моддасининг 2-қисми, 105-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57, 59-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдорида 59 910 000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 18 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Р.А. “Нексия” русумли автомашинани “Паркент-Янгибозор кўрғони” йўналишида уяли телефондан фойдаланган ҳолда бошқариб кетаётганида, Паркент шаҳри, Марказий кўчасида хизмат вазифасини ўтаётган Тошкент вилояти ИИБ ЙПХБ 4-отряд ЙПХ катта инспектори, сержант С.Г. томонидан тўхтатилиб, ҳужжатларини тақдим этиш сўралганида, Р.А. ҳужжатларни беришдан бош тортган, сўнгра С.Г. унга автомашинани жарима майдончасига олиб боришини тушунтирган

вақтида, Р.А. ИИБ ЙПХ катта инспекторининг қонуний талабларига бўйсунмасдан, хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, автомашинани ҳайдаб юбориб, 5-6 метр масофага судраб кетиб, С.Г.га чап оёқ 1-бармоқ тирноқ фалангасини асоси ёпиқ синиши, ўнг тирсак бўғими сидириб шилиниши оқибатида “ўртача оғир шикаст” тан жароҳати етказиб, унинг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда айбли деб топилган.

Суд Р.А.нинг хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакили ҳисобланган ИИБ ЙПХ катта инспектори С.Г.нинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, ўз хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ифодаланган жиноятни содир этганликдаги айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

ЖК 8-моддасининг 2-қисмига кўра ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 8-бандида қилмиш ЖКнинг бир неча моддаларида кўрсатилган объектга нисбатан содир этилганда (умумий ва махсус норма рақобати) жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмаслиги ва у махсус норма бўйича квалификация қилиниши лозимлиги, 10-бандида бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари ЖК тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш ЖКнинг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаби ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, биринчи инстанция суди Р.А.ни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг ўз хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ЖК 219-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топган.

Қонун мазмунига кўра мажбурлаш вақтида қўлланиладиган жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, жисмоний азоб берадиган ҳамда жабрланувчининг иродасига хилоф равишда унинг жисмоний эркинлигини чеклайдиган ҳаракатлар содир этиш, шунингдек, уриш, дўппослаш ва бошқа ҳаракатлар орқали шахс баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказиш тушунилади.

Суд Р.А.нинг хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакили Тошкент вилояти ИИБ ЙПХБ 4-отряд ЙПХ катта инспектори, сержант С.Г.

қонуний талабларига бўйсунмасдан, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилиқ кўрсатиб, унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиб, хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ифодаланган ҳаракатларини ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан ортиқча квалификация қилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам иш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган ва Р.А.га тайинланган жазонинг жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланганнинг шахсига мувофиқ эканлигини тўлиқ текширмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли Судлов ҳайъатининг 2018 йил 10 февралдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Р.А.нинг айбидан ЖК 105-моддасининг 1-қисми чиқарилган.

2.3. Қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятидан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркор.

Жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2017 йил 9 июндаги ҳукмига кўра Ф.М. ЖК 25 ва 97-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 18 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Ф.М. қариндоши Э.Қ. билан бирга истироҳат боғига келиб, боғда айланиб юрган икки нафар нотаниш қизларнинг йўлини тўсиб, уларга гап отиб турган вақтида, боғда юрган Риштон шахрида яшовчи Э.Б. шериги Н.Аъзамов билан ушбу ҳолатга аралашиб, Ф.М. ва Э.Қ.лар билан жанжаллашган. Ф.М. билан Э.Қ.лар Э.Б. ва Н.А.ларнинг тарафдорлари кўпайиб кетаётганлигини кўриб, жанжалдан қутилиш мақсадида уларни ҳақорат қилиб қочиб, Риштон шаҳар, “Марказ” м.ф.й., Риштон кўчасида жойлашган “Риштон ҳақиқати” тахририяти биносининг орқа томонига етиб келиб, у ерда Ф.М. ва Э.Қ.лар уларни таъқиб қилиб келаётган Э.Б. ва унинг шерикларига ўзларининг ёнларида бўлган пичоқни кўрсатиб, агар яқинлашишса уларни ўлдиришларини айтишган ва қочишда давом этиб кетаётиб, Ф.М. қоқилиб йиқилиб тушганида, уларнинг орқасидан Э.Б. ва унинг шериклари қувиб келиб, Ф.М.ни уриб, тепаётганида, Ф.М. қутилиш мақсадида олдиндан олиб юрган, йиғма пичоқни олиб, қаршисида турган Э.Б.нинг кўкрак соҳасига онгли равишда қасддан бир марта уриб, воқеа жойидан қочиб кетаётган вақтда, хизмат вазифасини ўтаётган ИИБ ЙХХГ ходимлари томонидан ушланган.

Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасида Э.Б.га ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳат етказилгани кўрсатилган.

Жабрланувчи Э.Б. судда, 2017 йил 28 январь куни соат 15 да ўртоқлари билан бирга Риштон туман марказидаги истироҳат боғида кетишаётган вақтда Ф.М. ва унинг шериги Э.Қ.лар иккита қизларни йўлини тўсиб, уларга тегажонлик қилгани сабабли улар билан жанжаллашгани, сўнг Ф.М. ва Э.Қ.лар улардан қочиб кетишгани, уларни орқасидан қувиб, тош отишгани, Ф.М. югуриб кетаётиб йиқилиб тушганида, улар Ф.М.ни ўртоқлари билан уриб тепишгани, кейин Э.Қ.ни орқасидан қувлаб кетишгани, у ҳам йиқилган Ф.М.ни тепмоқчи бўлиб олд томонига ўтганида, Ф.М. уни чап кўкрак қисмига уриб, яна асфальт йўлга қараб югуриб кетгани, сўнг у шериклари билан Ф.М.ни орқасидан югуриб қувлагани, шу пайт Ф.М.ни ИИБ ходимлари ушлаб олишганини кўриб, улар ҳам ўртоқлари билан домлар орасига қочиб, 20 метрлар чамаси югурганидан сўнг нафаси қисиб қолиб, ўртоқларига бу ҳақда айтгани, ўртоғи уни кийимларини ечаётган вақтда у ҳушини йўқотганини билдириб кўрсатув берган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 3-бандида қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкинлиги, чунки, бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва унинг ўлимини истаган бўлишини, бироқ ўлим айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (жабрдийданинг фаол қаршилиги, бошқа шахсларнинг аралашуви, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги ва ҳ.к. туфайли) юз бермаслиги, шу сабабли, айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарурлиги;

Қарорнинг 4-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркорлигини, айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиноий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатларидан аниқланишича, Ф.М. қариндоши Э.Қ. билан бирга жабрланувчи Э.Б. ва унинг шериклари билан жанжаллашиб, жанжалдан

кутилиш мақсадида улар Э.Б. ва унинг шерикларидан қочиб кетаётган вақтда йиқилган. Э.Б. ва унинг шериклари Ф.М.ни уриб тепаётган вақтида, Ф.М. ундан кутилиш мақсадида ёнида олдиндан олиб юрган йиғма пичоғи билан Э.Б.нинг кўкрак соҳасига бир марта уриб, Э.Б.га ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказиб қочиб кетган.

Иш ҳолатларига кўра Ф.М.ни Э.Б.га пичоқ билан шикаст етказганидан сўнг яна пичоқ билан уриш имкониятига эга бўлган. Э.Б.ни бошқа пичоқ билан урмаганлик ҳолати, Ф.М.нинг жабрланувчи Э.Б.ни қасддан ўлдириш мақсади бўлмаганлигидан далолат беради.

Аммо адвокатнинг Ф.М. ўзини ҳимоя қилиб, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб оғир тан жароҳати етказган деб берган важи билан ҳам келишиб бўлмайди.

Чунки, Ф.М. жабрланувчи Э.Б. билан юзма-юз ҳолатда кўкрак соҳасига пичоқ урган. Ўзининг ҳаракати билан жабрланувчига оғир тан жароҳати етказиш мумкинлигини англаган ва хоҳлаган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларига етарлича эътибор қаратмасдан Қонуннинг мазкур талабига риоя қилмасдан Ф.М.нинг ҳаракатларини ЖК 25 ва 97-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиб, хатоликка йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди Ф.М.нинг ҳаракатлари ЖК 25 ва 97-моддасининг 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинганлигига эътибор бермасдан биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Шу сабабли, Судлов ҳайъатининг 2017 йил 8 ноябрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Ф.М.нинг қилмиши ЖК 25 ва 97-моддасининг 1-қисмидан ЖК 104-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилинган.

II БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР ОБЗОРИ

3-боб. Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ ишлар обзори

3.1. Айбдорнинг қилмишини уюшган гуруҳ белгиси билан квалификация қилиш учун унинг хусусиятлари ва белгилари тўлиқ аниқланиши, айнан қандай асосларга кўра жиноий гуруҳ уюшган деб топилганлиги суд қарорларида кўрсатилган бўлиши шарт.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2012 йил 2 ноябрдаги ҳукмига кўра Б.З. ЖК 166-моддаси 4-қисмининг “в” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 14 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2012 йил 14 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Б.З. уюшган гуруҳ таркибида ва унинг манфаатларини кўзлаб Л.К.нинг қўлида бўлган сумкаси ичидаги 250 000 сўм нақд пул, баҳоси 550 000 сўм бўлган “Nokia-6300” русумли уяли алоқа аппарати ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан берилган нафақа гувоҳномасини;

такроран С.К.нинг бўйнидаги баҳоси 2 400 000 сўм бўлган тилла занжирини;

такроран Х.К.нинг бўйнидаги баҳоси 1 100 000 сўм бўлган тилла занжири ва баҳоси 600 000 сўм бўлган тилла кулонини очикдан-очик талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Б.З.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 37-сонли қарорининг 5-бандида уюшган гуруҳ деганда транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилиши кераклиги, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунлиқ жиноий гуруҳнинг уюшганлигидан далолат бериши, айбланиш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра жиноий гуруҳ уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шартлиги;

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 24-бандида жиноятни Жиноят қонунининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асосланганлиги хулосаси айблов ҳукмининг тавсиф қисми муҳим белгиси ҳисобланиши, бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши кераклиги, суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли (масалан, жиддий зиён, оғир оқибатлар ва ҳоказо) белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Қонун мазмунига кўра уюшган гуруҳ сифатида унинг барқарорлиги, унда ташкилотчининг бўлиши, одатда бир нечта жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлиги, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлиги, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлиги, техника билан таъминланганлиги, жиноятни яшириш чоралари

кўрилганлиги, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилиниши тушунилмоғи лозим.

Бундан ташқари, жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашган шахсларнинг юқори уюшганлик даражаси, фаолият олиб бориш вақтининг давомийлиги, иштирокчиларнинг ҳар бири унга юкланган вазифага мувофиқ ҳаракатларининг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги, жиноятга тайёргарлик ва уни содир этиш жараёнида улар ўртасидаги алоқанинг барқарорлиги, жиноят изларини яшириш, гуруҳдаги интизом ва ташкилотчининг бир неча бор жиноят содир этишига йўналтирилган кўрсатмаларига бўйсунниши ва шу кабилар билан тавсифланади.

Шунингдек уюшган гуруҳни ҳусусиятловчи белгиларидан бири-бу унинг барқарор эканлигидадир, бунда ташкилотчи жиноий режани тузади, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, улар фаолиятини йўналтиради ва гуруҳдаги тартибни мустаҳкамлайди, шунингдек, гуруҳ интизомини назорат қилади.

Суд иш бўйича қайд этилган Қонун талабларига ҳамда Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилмаган.

Судда Б.З. ва Д.У.лар биргаликда таксида топиб олган тилла занжирни сотиш учун “Ширин” бозоридаги танишининг олдида келишганда ИИБ ходимлари ушлашгани ҳақида кўрсатув беришган.

Судда жабрланувчи Л.К., кўчада кетаётган пайтда Д.У. ёнига сездирмасдан келиб, қўлида бўлган сумкасини тортиб олиб, воқеа жойидан қочиб кетиб яширингани, тергов жараёнида Д.У.ни таниб олгани ҳақида кўрсатув берган.

Судда жабрланувчи Х.К., кўчада кетаётган пайтда унга қарама-қарши томондан Б.З. ва Д.У.лар югуриб келишиб, Б.З. бўйнида бўлган тилла занжирини юлиб олиб, воқеа жойидан қочиб кетиб яширинишгани, тергов жараёнида Б.З. ва Д.У.ларни таниб олгани ҳақида кўрсатув берган.

Судда кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган жабрланувчи С.К. кўчада кетаётган пайтда унга қарама-қарши томондан Б.З. ва Д.У.лар югуриб келишиб, Д.У. бўйнида бўлган тилла занжирини юлиб олиб, воқеа жойидан қочиб кетиб яширинишгани, тергов жараёнида Б.З. ва Д.У.ларни таниб олгани ҳақида кўрсатув берган.

Суд ҳукмда Б.З.нинг жиноий фаолият олиб бориш мақсадида уюшган гуруҳга бирлашиб, бажарилиши керак бўлган вазифаларни тақсимлаб, жами учта эпизоддан иборат ҳолатларда мол-мулкларни очиқдан-очиқ талон-торож қилганликда айбли деб топган бўлсада, бироқ Б.З.нинг қилмишларида уюшган гуруҳ белгиларини тавсифловчи жиноий фаолият олиб бориш вақтининг давомийлиги, иштирокчиларга юклатилган вазифа ва ҳаракатларнинг юқори даражада ташкиллаштирилгани, жиноят содир этиш жараёнида алоқаларнинг барқарорлиги, жиноят изларини яшириш, олдиндан тил бириктирган шахсларнинг юқори уюшганлик даражаси, гуруҳдаги интизом ва кўрсатмаларга бўйсунниш каби ҳолатларни инобатга

олмасдан, Б.З.нинг уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этганликда айбли деб топиш ҳақидаги ўз хулосасини асослантирмасдан унинг ҳаракатларини ЖКнинг 166-моддаси 4-қисми “в” банди билан квалификация қилиб хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам қайд этилган хатони бартараф қилиш чораларини кўрмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли, Судлов ҳайъатининг 2016 йил 13 ноябрдаги ажрими билан суд қарорларининг Б.З.га оид қисми ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари ЖК 166-моддаси 4-қисмининг “в” бандидан шу Кодекс 166-моддаси 3-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилинган.

3.2. Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2011 йил 7 июндаги ҳукмига кўра А.А. ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2011 йил 27 декабрдаги ажрими билан суд ҳукмининг А.А.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Э.Т. “Олмалиқ ТМК” ОАЖ нефть таъминоти бошқармасида ҳайдовчи бўлиб ишлаб келиб, ОАЖ Автомобиль транспорти бошқармасига қарашли трактор парки махсус транспортлар ҳайдовчилари А.А. ва бошқа шахслар билан уюшган гуруҳга бирлашиб, “КАМАЗ-43118” русумли автомашина цистернасидаги дизель ёқилғисини юқорида қайд этилган ҳайдовчиларга белгиланган миқдордан кам қуйиб, кам қуйилган ёқилғининг ҳар бир литри эвазига 350 сўмдан беришга келишиб, ёқилғи тарқатиш ведомостларига тўлиқ миқдорда ёқилғи қуйилгани ҳақида сохта маълумотлар киритиб, шу йўл билан олинган 3 172 500 сўмлик 1 500 литр дизель ёқилғисини ҳар бир литрини 700 сўмдан 1 050 000 сўмга сотиб, ёқилғи тарқатиш ведомостлари қалбаки эканини билгани ҳолда “Олмалиқ ТМК” ОАЖ нефть таъминоти бошқармасига топшириб, Э.Т. бошқарувидаги “КАМАЗ-43118” русумли автомашина цистернасидаги дизель ёқилғисини юқорида қайд этилган ҳайдовчиларга белгиланган миқдордан кам қуйиб, кам қуйилган ёқилғининг ҳар бир литри эвазига 350 сўмдан беришга келишиб, ёқилғи тарқатиш ведомостига тўлиқ миқдорда ёқилғи қуйилгани ҳақида такроран сохта маълумотлар киритиб, 1 966 950 сўмлик 930 литр дизель ёқилғисини ҳар бир литрини 700 сўмдан 651 000 сўмга сотиб, сотувдан тушган пулларни уюшган гуруҳ аъзолари бўлган ҳайдовчилар билан ўзаро

таксимлаб, ёқилғи тарқатиш ведомостлари қалбаки эканини билгани ҳолда “Олмалиқ ТМК” ОАЖ нефть таъминоти бошқармасига топширганликда айбли деб топилган.

Ҳукм чиқарилган даврда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 2-сонли қарори 3-бандида ҳукм ЖПКнинг 26 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги;

ушбу қарорнинг 6-бандида ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асосланган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, суд томонидан қонун ва қайд этилган Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя этилмаган.

А.А. дастлабки тергов ва судда айбига иқдорлик билдирмасдан, дизель ёқилғисини “Камаз” русумли махсус машинасида Э.Т. олиб келиб, йўл варақасида кўрсатилган миқдорда дизель ёқилғиси қуйиб бериши, Э.Т. ҳар доим йўл варақасида кўрсатилган миқдордаги дизель ёқилғисини бошқарувидаги техника воситасига тўлиқ қуйиб бергани, кам қуйиб берган ҳолатлари бўлмагани, Э.Т.дан ҳеч қачон кам қуйиб берилган дизель ёқилғиси эвазига пул олмагани, дизель ёқилғисини ҳеч қачон ҳеч кимга сотмагани, Э.Т. ва бошқа ҳайдовчилар билан тил бириктирмагани ҳақида кўрсатув берган.

Шу иш бўйича судланган Э.Т. дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувларида А.А. билан ҳар бир литр дизель ёқилғисига 350 сўмдан беришга келишмагани, лимит бўйича 300 литр ёқилғи қуйиши лозим бўлса-да А.А.га билдирмасдан 50-60 литр ёқилғини уриб қолгани, ёқилғи кам қуйилганини А.А. билмагани ҳақида кўрсатув берган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, А.А.ни айбдор деб топиш учун судланган Э.Т.нинг дастлабки кўрсатувларидан бошқа ҳеч қандай далил мавжуд эмас.

Бундан ташқари, ЖК 167-моддасида айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Дастлабки тергов ва суд томонидан А.А.га ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган қанча миқдордаги мулк талон-торож қилингани ҳамда унинг қиймати аниқланмаган ва буни исботловчи далил жиноят ишида мавжуд эмас.

Кассация инстанцияси ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини, шикоятда келтирилган вазларни тўла текширмасдан, судланган Э.Т. судда, фуқаровий даъвогар, гувоҳлар А.А.ни айбини тасдиқловчи кўрсатувлар бермаган бўлса-да, ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходими

О.Т.нинг билдиргиси, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, юзлаштириш, хужжатларни олиш баённомалари, далолатномалар ва унга илова қилинган хужжатларда А.А.ни айбини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, ўз ажримида А.А.нинг айби мазкур далиллар билан исботланганлигини қайд этишиб, ҳукмнинг шу қисмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шу сабабли Судлов ҳайъатининг 2016 йил 27 майдаги ажрими билан суд қарорларининг А.А.га нисбатан чиқарилган қисми бекор қилиниб, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги учун жиноят ишининг унга оид қисми ЖПК 83-моддасининг 3-бандига асосан тугатилган.

3.3. Суд фуқаровий даъво билан боғлиқ қўшимча ҳисоб-китоб талаб қилиб, уни суд мажлисида бартараф этишнинг имконияти бўлмаса ва бу суд қароридagi жиноят квалификацияси, жазо меъёри ва ҳукм чиқаришда юзага келадиган бошқа масалаларга таъсир қилмаса, фуқаровий даъво бўйича ундириладиган зарар миқдори масаласи фуқаролик иш юритуви тартибида ҳал қилинишини тушунтириши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг 2016 йил 14 ноябрдаги ҳукмига кўра М.М.га ЖК 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 28, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57, 59-моддалари тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Б.К.га ЖК 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 28, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57, 59-моддалари тартибида 10 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 3 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра М.М. бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, 2005 йил март ойида фуқаро Б.К. ундан қарзга пул сўраганлигидан фойдаланиб, 1 500 000 сўм пулни ҳар ойда 10 фоиз устама тўлови тариқасида бериб туриш шarti билан қарзга пул бериши эвазига Б.К.нинг турмуш ўртоғи Р.К.нинг номида бўлган Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласида жойлашган 19-уй, 1-хонадонни гаровга қўйишга мажбур бўладиган шароитга солиб қўйиб, уни “гаров шартномаси тузамиз” деб алдаб, Р.К.га тегишли бўлган уйни Жиззах шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси орқали М.М.га сотилганлиги ҳақида 2005 йил 2 мардаги “уй-жойни олди-сотди” шартномасини расмийлаштириб олишга эришиб, фуқаро Б.К. ва Р.К.ларнинг 12 661 604 сўмлик уй-жойларини товламачилик йўли билан қўлга киритган ва ўзларининг жинoий ҳаракатларини яшириш мақсадида Б.К.га фуқаро О.Х.га тегишли бўлган Жиззах шаҳар, Кўтарма маҳалласида жойлашган 2 хонали 83-уйни 3 000 000 сўмга сотиб олиб расмийлаштириб берган.

М.М. такроран 2005 йил апрель ойининг бошларида Х.М.га 3 000 АҚШ доллари миқдорида пулларни ҳар ойда 10 фоиз устама тўлови сифатида бериб туриш шarti билан қарзга пул бериш эвазига Х.М.нинг турмуш ўртоғи А.Х.нинг номида бўлган Жиззах шаҳар, Халқобод маҳалласи, Э.Худойкулов кўчасида жойлашган 40-уйни гаровга қўйиш талабини қўйиб, унга тегишли бўлган уйни Жиззах шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси орқали 1 800 000 сўмга М.М.га сотилганлиги ҳақидаги 2005 йил 25 апрелдаги “уй-жойни олди-сотди” шартномаси билан ўзининг номига расмийлаштириб олишга эришиб, гарчи Х.М. қарзга олган 3 000 АҚШ долларини фоиз ҳисобида 4 000 АҚШ доллари миқдорида қайтариб берган бўлса-да, унга юқорида кўрсатилган уй-жойга бўлган ҳуқуқини қайтариб бериш эвазига яна 10 000 000 сўм пул талаб қилиб, қўрқув таъсири остида ҳаракат қилиш ҳолатига солиб қўйиб, ўзининг жинойий ҳаракатларини яшириш мақсадида Х.М.га турмуш ўртоғи Д.М. номида бўлган Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласида жойлашган 2005 йил апрель ойидаги баҳоси 8 984 063 сўмлик 37-уй, 18-хонадонини расмийлаштириб берган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йилдаги 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорининг 9-бандида мулкий зиён етказилган ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилаётганда, суд фуқаровий даъвони ҳал этиши, даъво кўзғатилмаган бўлса, мулкий зиённи қоплаш масаласини ўз ташаббуси билан муҳокама қилиши лозим” деб тушунтирилган.

Иш ҳужжатларида М.М. фуқаро Р.К.дан олган Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласида жойлашган 19-уй, 1-хонадонни келгусида ушбу уйни қайтариб олиш учун Р.К. ва Б.К. судга даъво киритиши, натижада уй бўйича низо келиб чиқишини билгани ҳолда, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида жабрланувчи Б.Ю.га ушбу уйни қай тартибда қўлга киритганлигини айтмасдан, 2007 йил 30 ноябрда Г.Ю.га олди-сотди шартномаси асосида 18 500 АҚШ долларига (23 865 000 сўм) сотганлиги, ўз навбатида Б.Ю. мазкур хонадонни 2012 йил 13 декабрда фуқаро Г.М.га 22 000 АҚШ долларига сотганлиги натижасида Г.М.га 43 565 500 сўм миқдорида моддий зарар етказилганлиги, худди шу каби М.М. ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, Х.М.дан товламачилик билан тортиб олган, Жиззах шаҳар, Халқобод маҳалласи, Э.Худойкулов кўчасида жойлашган 40-уйни келгусида ушбу уйни қайтариб олиш учун Х.М. судга даъво киритиши, натижада уй бўйича низо келиб чиқишини билгани ҳолда А.Х.га ушбу уйни қай тартибда қўлга киритганлигини айтмасдан, 2008 йил 25 октябрда 30 000 АҚШ долларига (40 443 000 сўм) сотиб, ушбу пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 10-бандида “ЖПКнинг 471-моддаси 1-бандига асосан айблов ҳукми чиқаришда, судлар

иш бўйича келтирилган фуқаровий даъво масаласини ҳал қилишлари лозим. Фақатгина суд фуқаровий даъво билан боғлиқ қўшимча ҳисоб-китоб талаб қилиб, уни суд мажлисида бартараф этишнинг имконияти бўлмаса ва бу суд қароридаги жиноят квалификацияси, жазо меъёри ва ҳукм чиқаришда юзага келадиган бошқа масалаларга таъсир қилмаганда, суд фуқаровий даъвонинг ундириладиган миқдори масаласи фуқаролик иш юритуви тартибида ҳал қилинишини тушунтириши лозим” деб белгиланган.

Баён этилганларга кўра Судлов ҳайъатининг 2018 йил 7 январдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласида жойлашган 19-уйнинг 1-хонадони Р.К.га, Жиззах шаҳар, Халқобод маҳалласи, Э.Худойкулов кўчасида жойлашган 40-уйни А.Х.га қайтариш ҳамда манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича фуқаролик тартибида судга даъво қўзғатиш ҳуқуқи борлигини тушунтириш ҳақидаги қисмини бекор қилиб, тарафларга низоли уй-жойни олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва етказилган зарарларни ундириш масаласида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилди.

4-боб. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар обзори

4.1. Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида тан олинмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2013 йил 25 ноябрдаги ҳукмига кўра Б.С. ЖК 177-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари ва 210-моддаси 3-қисмининг “а”, “б” бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 22 январдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Б.С.га тайинланган жазо муддати 9 йилга келтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Б.С. ДТ “Халқ банки”нинг Сирғали филиали бошқарувчиси лавозимида ишлаб келиб, бошқа шахс раҳбарлигидаги уюшган гуруҳ таркибида ва унинг манфаатларини кўзлаб, 2008 йилнинг февраль ойидан октябрь ойи охирига қадар ДТ “Халқ банки”нинг Сирғали филиалига қарашли валюта айрибошлаш шохобчалари орқали жуда кўп миқдорни ташкил этувчи жами бўлиб 2 203 000 АҚШ доллари (2 969 864 300 сўм);

2009 йилнинг декабрь ойи бошларидан 2010 йил 13 сентябрь кунига қадар жуда кўп миқдорни ташкил этувчи жами 1 646 200 АҚШ доллари (2 662 432 184 сўм)ни банк томонидан белгилаб берилган курсда сотиб олиб, кун якунига кўра қонунга хилоф равишда “қора бозор”да такроран ўтказган.

Б.С. ДТ “Халқ банки”нинг Тошкент шаҳар филиали бошлиғи ўринбосари, мазкур филиал бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, ДТ “Халқ банки”нинг Тошкент шаҳар бошқармасига бўйсунувчи куйи турувчи филиаллар бошқарувчилари ва ходимларининг бундан кейинги фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, уларнинг иши юзасидан ҳар-хил муаммоларни келтириб чиқариб, уларни интизомий жавобгарликка тортмаслик эвазига Д.А.нинг шахсий маблағлари ҳисобидан ўз эҳтиёжлари учун тамагирлик йўли билан 4 000 000 сўм, Д.А. орқали тамагирлик йўли билан шу филиал бошқарувчиси Б.А.нинг шахсий маблағлари ҳисобидан 620 000 сўм, И.М.нинг шахсий маблағлари ҳисобидан 60 000 сўм миқдоридан харажат қилдирган ҳамда 2011 йилнинг январь ойидан 2012 йилнинг декабрь ойига қадар бўлган вақт оралиғида жами бўлиб 834 000 000 сўм миқдоридаги пул маблағларини шахсан ўзи такроран пора тарикасида олганликда айбли деб топилган.

Суд ҳукми чиқарилган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 2-сонли қарорининг 6-бандида ишда тўпланган далилларни етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, иш бўйича қонун талаблари ҳамда юқоридаги Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилинмаган.

Чунки, суд ҳукмидаги Б.С.нинг уюшган гуруҳ таркибида такроран жуда кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва сотиш жиноятини содир этганлиги ҳақидаги иккита айб эпизоди бўйича ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан бошқа ҳолатни тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас. Иш бўйича бирор гувоҳ ёки гуруҳ иштирокчисининг шахси аниқланмаган, жиноят ишига жалб қилинмаган. Б.С.нинг ёлғиз кўрсатуviга асосланиб ҳолат юзасидан айблов ҳукми чиқарилган.

Бундан ташқари, 2014 йил 23 июнда тасдиқланган “Порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш, бу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда қонун талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори, Миллий хавфсизлик хизмати раиси ва Ички ишлар вазирининг Қўшма кўрсатмаси”нинг 8.2-бандида шахсга айб эълон қилишга объектив далиллар мажмуигина асос бўлиши мумкин, бунда, далиллар доирасини пора берувчи ва у билан боғлиқ шахсларнинг кўрсатмалари ҳамда

айбига иқрорлик кўрсатмалар билан чегараланиб қўймасдан, шахсни айблаш учун пора предметининг олинishi, қонунлар билан белгиланган тартибда почта-телеграф ва электрон жўнатмалари, аудио ёки видеоёзувлар, телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар аниқланиши каби аниқ мезонлар билан асослангирилиш шартлиги белгиланган.

Б.С. пора олиш вақтида ушланмаган, пора предмети ҳисобланган пуллар ашёвий далил сифатида олинмаган, ишда унинг пора олганлигини тасдиқловчи видео ёки аудио ёзувлар, телефон сўзлашувлари мавжуд эмас.

Суд Б.С.га пора олиш айблов эпизоди бўйича фақатгина унинг ва бўйсунувидаги банк ходимларининг ишончга сазовор бўлмаган кўрсатувларига асосланиб ЖК 210-моддаси 3-қисмининг “а”, “б” бандлари билан айблов ҳукми чиқарган.

Б.С. шикоятда, қайд этилган жиноятларни содир этмагани, дастлабки тергов жараёнида тазйиқлар остида валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш, ўтказиш ва жуда кўп миқдорда пора олиш жиноятларини содир этгани ҳақида иқрорлик билдирганини кўрсатган.

Шунга кўра Судлов ҳайъатининг 2017 йил 10 апрелдаги ажрими билан суд қарорларининг Б.С.га оид қисмини бекор қилиниб, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмагани ҳамда содир этилган жиноятга дахли бўлмагани сабабли жиноят ишининг унга оид қисми ЖПК 83-моддасининг 2 ва 3-бандларига асосан тугатилган.

4.2. Биринчи инстанция суди апелляция шикояти (протести)ни қабул қилиш пайтида апелляция шикояти (протести) берган шахснинг бундай ҳуқуққа эга эканлигини текшириши шарт.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 14 октябрдаги ҳукмига кўра А.А. ЖК 177-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандлари, 205-моддаси 2-қисмининг “а, б, в” бандлари, 210-моддаси 3-қисмининг “а, б, в” бандлари, 243-моддаси билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2014 йил 2 майдаги ажрими билан ҳукмнинг А.А.га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилиб, унга ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра А.А. бошқа шахслардан иборат уюшган гуруҳ ташкил қилиб, вазифаларни тақсимлаб, Н.А., Н.А., З.А., С.М., З.А., А.Я. олдиндан тузилган жиноий режага кўра Д.С. “Дамас” русумли 11 U 1767 русумли автомашинасида Янгийўл туманида яшовчи фуқароларга жиноий йўл билан орттирилган пулларни бериб юбориб, улар шаҳобчадан сотиб олиб чиққан 22 000 АҚШ долларини ўзларига олиб қолиб, уларга хизмати эвазига 10 000 сўмдан пул беришган. Шу жойнинг ўзида, Н.А.

бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари 10 000 АҚШ долларини бошқа шахсларга сотиб юборишган. Сўнгра Н.А. ва унинг жиноий шериклари томонидан ўз жиноий фаолиятини давом эттириб, Х.К.га ўзлари билан бирга олиб келган 3 416 000 сўмни бериб, шаҳобчага кирганида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи ходимлари томонидан ушланиб, 2 000 АҚШ доллари ашёвий далил тариқасида олинган.

Шундан сўнг воқеа жойида С.М.га тегишли бўлган сумка кўздан кечирилганида унинг ичида 260002286-сонли валюта айирбошлаш шаҳобчасидан сотиб олинган 12 000 АҚШ доллари борлиги аниқланиб, олиб қўйилган.

Бундан ташқари, мазкур уюшган гуруҳ томонидан валюта сотиб олиш учун тайёрлаб қўйилган 27 563 000 сўм пул маблағлар олиб қўйилган.

Н.А. банк шохобчалари томонидан давлат нархида сотилаётган чет эл валюталарининг “қора бозор”да сотилаётган нархи ўртасида тафовут ошиб кетганлигини била туриб, жиноий гуруҳга синглиси Н.А. билан биргаликда раҳбарлик қилиб келиб, ТИФ “Миллий банки” Шайхонтохур тумани филиалига қарашли валюта айирбошлаш шаҳобчасидан олинган чет эл валюталарини қонунга хилоф равишда “қора бозор” нархларида қимматга сотиб, алмаштириб, сотишдан келиб тушган фойдани жиноий гуруҳ ўртасида тақсимлаш мақсадида, “қора бозор”ни мунтазам равишда валюта қимматликлари билан таъминлаб туриш, гуруҳ аъзолари томонидан муайян ҳақ эвазига ўз номларига валюта шаҳобчасидан АҚШ долларини сотиб олиб беришга рози бўлган фуқароларни топиб, уларни валютани сотиб олиш учун жиноий шериклари томонидан тақдим этилган керакли пул маблағлари билан таъминлаб, фуқароларнинг номига шаҳобчадан сотиб олинган жуда кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш билан шуғулланиб, ушбу валюта қимматликларини “қора бозор” нархида сотиб, олинган фойдани ўзаро тақсимлаш билан шуғулланиб келган.

2011 йил 27 апрель куни Н.А. бошқарувида бўлган “ЕРІСА” русумли автомашина салони кўздан кечирилганида 1000 сўмлик ва 500 сўмлик купюраларидан иборат жами 10 000 000 сўм пуллар борлиги аниқланиб, мазкур пул маблағлари ва “ЕРІСА” русумли автомашина жиноий фаолиятдан олинган даромадлар натижасида қўлга киритилган деб топилиб, баённома асосида олиб қўйилган.

ЖПК 22-моддасига кўра иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 2-сонли қарорининг 2-бандига кўра биринчи инстанция суди шикоят (протест)ни қабул қилиш пайтида апелляция шикояти (протести) берган шахснинг бундай ҳуқуққа эгаллигини текшириши шартлиги;

қайд этилган қарорнинг 8-бандига кўра апелляция шикояти

(протести)нинг қайтариб олинishi, агар иш бўйича бошқа процесс иштирокчилари томонидан берилган апелляция шикояти (протести) бўлмаса, апелляция тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келишлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ суд қайд этилган Қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмаган.

Чунки ишда аниқланган ҳолатларга кўра 2011 йил 21 октябрда судланган А.А. ва унинг адвокати томонидан суд ҳукмига нисбатан апелляция шикояти берилган бўлиб, 2011 йил 14 ноябрда апелляция шикояти ЖПКнинг 497⁸-моддасига асосан қайтариб олинган.

Суд ҳукмининг А.А.га тегишли бўлган Шахонтоҳур тумани, Марказ-13 мавзеси, 13-уй, 22-хонадон давлат эгалигига ўтказиш қисмини бекор қилиш ҳақида судланган А.А.нинг турмуш ўртоғи Д.Т. томонидан шикоят берилган.

Суд фуқаро Д.Т.нинг шикоят-аризасини имзоланмаган ҳолда қабул қилиб, тегишли тартибда рўйхатдан ўтказмасдан, апелляция тартибида расмийлаштириб, хатога йўл қўйган.

Мазкур ҳолатда суд Д.Т.нинг суд қарорига нисбатан апелляция шикояти беришга ҳақли эканлиги ҳолатини текширмай ишни апелляция инстанциясида кўриб чиққан.

Фуқаро Д.Т. мазкур жиноят иши бўйича ЖПКнинг 277-моддаси тартибида фуқаровий даъвогар деб эътироф этилмаган ҳамда ЖПКнинг 497²-моддасига кўра ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасининг 6-қисмига биноан имзо билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар деб ҳисобланиши, ҳамда мазкур Қонуннинг 20-моддасига кўра аноним мурожаатлар кўриб чиқилмаслиги кўрсатилган.

Суд жиноят-процессуал қонуни нормаларини бузиб, жиноят иши материалларида Д.Т.ни иш бўйича фуқаровий даъвогар деб эътироф этилганлиги тўғрисида бирон-бир процессуал ҳужжат ёки ушбу фуқаро томонидан жиноят иши кўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар мулкий зиён кўрганлиги ҳақида фуқаровий даъво кўзғатилмаганлигига қарамасдан, асоссиз равишда уни фуқаровий даъвогар деб топиб, аноним мурожаати асосида ишни апелляция тартибида кўриб чиқиб, иш бўйича қарор қабул қилиб, А.А.нинг ҳуқуқларини бузган.

Кассация инстанцияси ишни кўришда иш ҳолатларини тўлиқ текширмасдан, А.А.га нисбатан чиқарилган ҳукмнинг жазо тайинлаш қисмини муҳокама қилган бир вазиятда, суд ҳукмини қолган қисмини ўзгаришсиз қолдирилиши ҳақида хулосага келган.

Шу сабабли Судлов ҳайъатининг 2016 йил 11 апрелдаги ажрими билан А.А.га нисбатан чиқарилган кассация инстанциясининг ажрими бекор

қилиниб, жиноят ишининг шу қисми янгитдан кассация инстанция судида кўриш учун юборилди.

4.3. Ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек ЖКда кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар тўлиқ исботланган бўлиши керак.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 31 октябрдаги ҳукмига кўра М.П. ЖК 177-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 242-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57,59-моддалари тартибида 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2012 йил 20 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра М.П. жиноий уюшма фаолиятида иштирок этиб, шаҳобчалардан номларига валюта сотиб олиб берадиган фуқароларни 10 000 дан 25 000 сўмгача пул эвазига ёллаб, ДАТ “Асака банк” Тошкент вилояти филиалига қарашли валюта айирбошлаш шаҳобчасидан 2010 йил март ойидан 2011 йил 30 март кунига қадар фуқароларнинг номларига 2 000 АҚШ долларидан, жами 208 000 АҚШ долларини сотиб олиб, ушбу валюта қимматликларини Тошкент шаҳрида жойлашган қора бозорларда номаълум шахсларга қонунга хилоф равишда сотиб келиб, жиноий уюшма аъзолари турғунликда ва ҳамжихатликда ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият билан шуғулланиб келганликда;

бундан ташқари жиноий уюшма аъзолари бўлган бошқа шахслар ёрдамида валюта айирбошлаш шаҳобчаларига тайинланган “пулга қаровчи” М.П.га валюта айирбошлаш шаҳобчаларидан номларига валюта сотиб олиб беришлари учун ёлланган фуқароларга бериладиган пулларни етказиб туришган ва эвазига сотиб олинган валютани йиғиб жиноий уюшма раҳбарларига етказиб бериб, олдиндан келишилган жиноий режага кўра ДАТ “Асака банк” Тошкент вилояти филиалига қарашли валюта айирбошлаш шаҳобчасидан 2010 йил январь ойидан 2011 йил март ойига қадар фуқаролар номларига 2 000 АҚШ долларидан, жами 225 000 АҚШ долларини сотиб олиб, ушбу ноқонуний равишда сотиб олинган валюта қимматликларини Тошкент шаҳрида жойлашган қора бозорларда номаълум шахсларга қонунга хилоф равишда сотиб келиб, жиноий уюшма аъзолари турғунликда ва ҳамжихатликда ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият билан шуғулланиб келганликда айбли деб топилган.

ЖПКнинг 22-моддасига кўра иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши лозим.

Шу кодекснинг 82-моддасига мувофиқ ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун содир этилган жиноятнинг

вакти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар исботланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 2-бандида судлар ҳукм чиқаришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ЖПКда белгиланган суднинг ҳукми қонуний, асосли ва адолатли бўлиши тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принципдан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукмни қонуний эмас деб топишга асос бўлиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

ЖК 242-моддасининг 1-қисмида жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

ЖК 29-моддасининг 5-қисмига мувофиқ икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

Иш материалларидан кўринишича М.П. суд томонидан жиноий уюшма таркибида фаолият юритганликда айбланиб, ҳукм қилинган бўлса-да, суд ҳукмида унинг зиммасига қўйилган мазкур айбни тасдиқловчи далиллар, яъни М.П. жиноий уюшма ташкил этганлигини, унинг бўлимларини тузганлигини, унга раҳбарлик қилганлигини, уюшманинг мавжуд бўлиши ва турғун ишлаб туришини таъминлаганлигини, жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилганлигини, унинг таркибида бир неча гуруҳлар бўлганлигини, гуруҳ ёки уюшма раҳбарларини таниганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Жиноят ишида тўпланган ва суд ҳукмида кўрсатилган далиллар М.П.нинг ҳаракатларини ЖКнинг 242-моддаси билан квалификация қилиш имконини бермаган.

Чунончи, судда сўроқ қилинган М.П. у жиноий уюшманинг иштирокчиси ва аъзоси бўлмаганлигини, гуруҳ раҳбарларини танимаганлигини, Ф.А. ва Г.И.ни ҳам танимаганлигини, “Бешёғоч” деҳқон бозори олдидаги валюта айирбошлаш шахобчасида “пулга қаровчи” ҳам бўлмаганлигини, у фақатгина номларига валюта сотиб олиб берадиган одамларни олиб келиш билан шуғулланганлигини, унга ЖК 242-моддасининг 1-қисми билан қўйилган айбга иқроп эмаслигини билдириб кўрсатув берган.

Шу иш бўйича судланганлар Ф.А. ва Г.И. ҳам судланган М.П.нинг кўрсатувини тасдиқлаб кўрсатувлар беришган.

Биринчи босқич суди томонидан М.П. келтирган мазкур важлар текширилмаган ва уларга ҳуқуқий баҳо берилмаган. Суд ҳукмида айнан қайси асосларга кўра М.П.нинг ҳаракатларини жиноий уюшма ташкил этиш сифатида квалификация қилганлигини асослантормаган.

Биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган мазкур камчилик кассация инстанциясининг ҳам эътиборидан четда қолган.

Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 12 августдаги ажрими билан ҳукмнинг Ф.А.га, 2017 йил 14 апрелдаги ажрими билан Г.И.га оид қисми ўзгартирилиб, уларнинг айбидан ЖК 242-моддасининг 1-қисми чиқарилган.

Шу сабабли Судлов ҳайъатининг 2016 йил 16 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, М.П.нинг айбидан ЖК 242-моддасининг 1-қисми чиқарилган.

4.4. Жиноят ишини назорат тартибида кўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга, шунингдек ЖК нормаларининг бузилишини бартараф этишга қаратилган кўрсатмалари ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиладиганида инобатга олиниши шарт.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2015 йил 4 майдаги ҳукмига кўра А.К. ЖК 178-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари, 189-моддасининг 3-қисми, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59, 60-моддалари тартибида 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдоридagi 47 360 000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2015 йил 9 сентябрдаги ажримига кўра Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилиб, суд ҳукми билан А.К.га тайинланган 47 360 000 сўм жарима жазоси ЖКнинг 44-моддасига асосан 1 йил 10 ой 22 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, А.К.га нисбатан қидирув эълон қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 12 майдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2015 йил 9 сентябрдаги ажрими ўзгартирилиб, А.К. тўланмаган жарима суммасини 6 ой давомида бўлиб-бўлиб тўлаш белгиланиб, қамоқдан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Раёсатининг 2016 йил 12 июлдаги қарори билан кассация ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ажримига кўра суд ижрочиларининг Чилонзор туман бўлими томонидан кўрилган чораларга қарамасдан, маҳкум А.К. тайинланган 47 360 000 сўм миқдордаги жиноий жаримани қонунда белгиланган муддатларда тўламасдан келган, шунингдек мажбурий ижро ҳаракатлари давомида унинг номида бирор-бир мол-мулк мавжуд эмаслиги аниқланиб, бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2015 йил 9 сентябрдаги ажрими билан А.К.га тайинланган жарима жазосини

озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириб, унга нисбатан қидирув эълон қилган бир вазиятда, кассация инстанцияси ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, яъни маҳкумнинг шахсини, хулқ-атворини, шунингдек, кассация инстанцияси судининг ажрими чиқарилган 2016 йил 12 май кунига қадар 47 360 000 сўм жаримани умуман тўламаганлигини инобатга олмасдан, А.К.га жарима суммасини олти ой давомида бўлиб-бўлиб тўлашни белгилаб, барвақт хулосага келганлиги сабабли Судлов ҳайъатининг 2016 йил 6 октябрдаги ажримига асосан А.К.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 12 майдаги ажрими ҳамда шу суд Раёсатининг 2016 йил 12 июлдаги қарори бекор қилиниб, материаллар янгитдан кассация инстанциясида кўриш учун юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 4 ноябрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2015 йил 9 сентябрдаги ажрими ўзгартирилиб, А.К.га нисбатан жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2015 йил 4 майдаги ҳукмига кўра тайинланган, тўланмаган 45 465 600 сўм жарима жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг 16 баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, жазони Чилонзор тумани ИИБ белгилаб берадиган жойларда ўташи белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига Чилонзор тумани ИИБ томонидан киритилган 2016 йил 27 мартдаги тақдимномада жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 4 ноябрдаги ажрими Чилонзор тумани ИИБ ҲООБ ЖИЭИда ҳисобга олинди, маҳкум А.К.га жазони ўташ тартиби тушунтирилганда у жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2015 йил 4 майдаги ҳукмига кўра тайинланган, тўланмаган 45 465 600 сўм жарима жазосини тўлиқ тўлаганлиги ҳақида қвитанция тақдим қилганлиги сабабли ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш ёки жарима тўлиқ ижро этилганлиги сабабли жазодан озод қилиш сўралган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2017 йил 6 апрелдаги хатида Чилонзор тумани ИИБ томонидан киритилган 2016 йил 27 мартдаги тақдимнома қаноатлантирилмасдан қолдирилиб, суд қарорлари қонуний кучга кириб, улар устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 4 ноябрдаги ажрими ижро қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарининг хатига асосан А.К.нинг шикояти назорат тартибда кўриб чиқилгунга қадар Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 4 ноябрдаги ажримининг ижроси тўхтатилган.

ЖПКнинг 541-моддасига кўра ҳукм ижросини кечиктириш тўғрисидаги, ҳукмни ижро қилмаслик тўғрисидаги, жарима солишни, шунингдек ҳукмни ижро этишда юз берадиган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни ҳукмни чиқарган суд ҳал қилиши;

539-моддасида жарима солишни, мажбурий жамоат ишларини, ахлоқ тузатиш ишларини ва озодликни чеклашни жазонинг бошқа тури билан алмаштириш Жиноят кодексининг 44, 45¹, 46, 48¹, 82, 82¹, 83 ва 84¹-моддаларига мувофиқ судья томонидан жазони ижро этувчи органларнинг тақдимномасига кўра ёки жамоат бирлашмасининг ёхуд меҳнат жамоасининг илтимосномаси бўйича амалга оширилиши;

542-моддасида ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги масалалар судья томонидан прокурор ҳамда маҳкум иштирокида суд мажлисида ҳал қилиниши, маҳкумнинг ушбу Кодекс 532-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари таъминланиши;

495-моддасида жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга, шунингдек Жиноят кодекси ҳамда ушбу Кодекс нормалари бузилишларини бартараф этишга қаратилган кўрсатмаларига ишни янгитдан судда кўриш чоғида амал қилиш мажбурийлиги кўрсатилган.

Бироқ, суд иш бўйича қайд этилган Қонун талабларига риоя қилмаган.

Чунки иш ҳужжатларидан кўринишича, судлов ҳайъатининг 2016 йил 6 октябрдаги ажримда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, яни маҳкум А.К.нинг шахсини, хулқ-атворини эътиборга олмасдан унга нисбатан тайинланган жарима суммасини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида барвақт хулосага келганлиги сабабли А.К.га нисбатан материалларни янгитдан кассация инстанцияси судида кўришда юқоридаги ҳолатлар тўла ва ҳолисона текширилиши, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиши ва иш бўйича қонуний ва асосли тўхтамга келиниши лозимлиги белгиланган.

Бироқ, ишни янгитдан кўрган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси суди юқори суд томонидан берилган кўрсатмаларни тўла бажармасдан, кассация инстанцияси суд мажлисида А.К. ва уни ҳимоячисининг иштирокини, ижро ҳаракатлари жараёнида оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ижро иши юритилиши давомида пайдо бўладиган масалалар юзасидан ўз важлари ва фикр-мулоҳазаларини билдириш, ижро иши юритишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важлари ва фикр-мулоҳазаларига қарши эътироз билдириш ҳуқуқларини таъминламасдан 2016 йил 4 ноябрдаги ажримга асосан маҳкум А.К.га тайинланган жарима жазосини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштириш ҳақида барвақт хулосага келган.

А.К. томонидан судга тақдим қилинган 2016 йил 14 ноябрдаги 27-сонли қвитанцияга кўра 1-251/2015-сонли ижро варақаси бўйича 45 465 600 сўмлик жарима тўлиқ тўланганлиги қайд қилинган.

Шу сабабли Судлов ҳайъатининг 2017 йил 26 майдаги ажрими билан А.К.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2016 йил 4 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши материаллари янгитдан кассация инстанциясида кўриш учун юборилган.